

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида тадбир ташкил этилди

// 15.12.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yongin-havfsizligi-oyligi-doirasida-tadbir-tashkil-etildi>



"Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида тадбир ташкил этилди.



Хабарингиз бор юртимиз бўйлаб фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича 15-ноябрдан 15-декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" эълон қилинган.



Бугун "Максам-Чирчиқ" АЖ ишчи-ходимлари учун тарғибот ва ташвиқот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни "Максам-Чирчиқ" АЖ бошқаруви раиси-Сайдахмедов Хотам Анварович очиб берди.



Тадбирда Жамият ишчи-ходимлари учун фавқулодда вазиятлар юзага келганда уни бартараф этиш, жабрланганларни қутқариш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, содир бўлган ёнғинни ўчириш бўйича ўқув машқлари ҳамда техникалар намоиши бўлиб ўтди.